

№ 99/19-II2020 yil « 26 » oktyabr

**Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси раҳбарининг
видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг
"Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-
фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида"ги Фармон лойиҳасини
муҳокамаси ҳақида**

Жорий йилнинг 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси раҳбарининг видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси юзасидан топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Фармон лойиҳаси бўйича туман Кенгаши депутатлари ўз округларидаги таълим муассасаларида ўрганишлар юзасидан таклифлари инobatга олиниб, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Туман Халқ таълими бўлими мудирини Ў.Қурбановнинг "Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси Раҳбарининг видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон лойиҳасини муҳокамаси ҳақида"ги хисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони лойиҳасига таклифлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига маълумот учун юборилсин.

4. Ушбу қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) ҳамда туман хокимининг ўринбосари Б.Мирзаев зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши сессия раиси**



Н.Темиров



№ 92/19 - II

2020 yil «26» октябрь

**Коронавирус пандемияси шароитида, Учтепа туманидаги
фаолиятлари бошланган умумий ўрта таълим муассасаларининг юқори
синфлари ўқув жараёнларини босқичма-босқич тиклаш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2020 йил 28 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 69-сонли баёнидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича муҳим вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Учтепа туман Халқ таълими бўлими бошлиғи Ў.Курбановнинг Коронавирус пандемияси шароитида, Учтепа туманидаги фаолиятлари бошланган умумий ўрта таълим муассасаларининг юқори синфлари ўқув жараёнларини босқичма-босқич тиклаш чора-тадбирлари тўғрисида ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин;

2. Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда ота-оналарнинг барча санитария-эпидемиология талабларини инобатга олган ҳолда туманидаги фаолиятлари бошланган умумий ўрта таълим муассасаларининг юқори синфлари янги 2020/2021 ўқув йили жараёнларини босқичма-босқич тиклашга руҳсат берилсин;

3. 2020/2021 ўқув йили бошланиши муносабати билан пандемия шароитида умумий ўрта таълим муассасаларида санитария-эпидемиология хизматининг асосий талаблари этиб қуйидагилар белгилансин:

- ҳар куни мактабда дарс жараёнларини бошлашдан олдин мактаб ҳудуди ва хоналарида белгиланган тартибда дезинфекцияловчи воситаларни қўллаган ҳолда умумий тозалаш ишларини ўтказиш;

- ҳар куни тиббий ёки масъул ходимлар томонидан ўқувчилар ва мактаб ходимларининг тана ҳароратини контактсиз пирометр ёрдамида ўлчаш;

- барча ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ва қонуний вакиллари таълим муассасасига тиббий ниқобларда келишини назорат қилиш;

- дарслар махсус жиҳозланган синфларда ташкил этилиши лозим бўлган фанлар (*жисмоний тарбия, тасвирий санъат, технология фанлари ва бошқа*)дан

ташқари мактабда дарс машғулотлари хонадан-хонага кўчмаган ҳолда “синф системасида” ўтказиш, яъни ҳар бир синф битта хонада масофа сақлаган ҳолда жойлаштирилиши ва ўқиши;

4. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Мирзаев ва Учтепа туман Халқ таълими бўлими бошлиғи Ў.Курбановга:

- санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилмаганлиги аниқланган тақдирда ўқув жараёнларини вақтинча тўхтатиш чоралари кўрилсин;

- туманидаги умумий ўрта таълим мактабларини санитар талабларга мувофиқ бирламчи воситалар билан таъминланганлиги, дезинфекция ишларини ташкил этилганлиги ва яратилган шарт-шароитлар юзасидан навбатдаги сессияга маълумот киритсин;

5. Туман санитария эпидемиология осойишталик маркази (А.Хасанов)га

- тумандаги умумтаълим мактаб бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлансин.

- Учтепа туманида жойлашган умумтаълим мактаблари ишчи-ходимлари covid-19 инфекциясига ҳар ойда текширилсин;

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари

Учтепа туман Кенгаши сессия раиси



Н.Темиров



№ 93/19-II

2020 yil « 26 » октябрь

“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5850-сон Фармонининг тумандаги ижроси юзасидан амалга оширилган амалий ишлар тўғрисида.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси М.Арипованинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5850-сон Фармонининг тумандаги ижроси юзасидан амалга оширилган амалий ишлар тўғрисида ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин;

2. Сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Хужанов), туман ҳокимлиги аппарат раҳбари (А.Абдужалиев) ва туман ҳокимининг маслаҳатчиси (М.Арипова)ларга:

- туман ҳокимлиги ҳужжатлари давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни йўлга қўйиш;

- ташқи реклама объектларини тартибга келтириш, давлат тилига асосланган лотин алифбосида ёзилишини назоратга олиш;

- тумандаги ташқи реклама шитларига давлат тили тўғрисидаги панноларни ўрнатиш ва электрон экранларда тил тўғрисидаги роликлар намойишини йўлга қўйиш;

- тумандаги ташкилот, корхона ва муассасаларда пешлавҳаларни тартибга келтириш бўйича сектор котиблари билан ҳамкорликда иш ташкил этилсин.

- туман ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияси ва ушбу масалаларга масъул бўлган ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини туман Кенгаши сессияларида эшитиш бўйича тавсиялар берилсин.

- Маҳалла, кўча пешлавҳаларини замонавий услубдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар туман Кенгаши сессиясига киритилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ишлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Арипова) зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Учтепа туман Кенгаши сессия раиси



Н.Темиров